



САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ЗДОРОВЬЕ НАРОДА — БОГАТСТВО СТРАНЫ

**PEDIATR**№ 14 (891)  
9-Sentabr, Seshanba  
2019-yilTOSHKENT PEDIATRIYA TIBBIYOT INSITUTI MEHNAT JAMOASI NASHRI  
ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО  
ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТАGazeta 1974-yil  
martdan chiqsa  
boshlagan

## КАДРЛАР САЛОХИЯТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**Б.Т.Даминов**  
**ТошПТИ ректори,**  
**Халқ депутатлари**  
**Тошкент шаҳар кенгаши**  
**депутати**

Энг улуғ, энг азиз айём – мамлакатимиз мустақиллигини халқимиз «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» шиори остида кўтариинки кайфият билан қарши олди, нишонлади.

Шу улуғ айём кунларида юртдошларимиз мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалдаги ифодасини бот-бот тақрорлаяпти, айтаяпти. Чин маънода Ўзбекистон ислоҳотларнинг янги даврида экани дунё ҳамжамияти томонидан бир неча бор эътироф этилди. Бундай эътирофларнинг кўпиди мамлакатимизда инсон ва унинг қадри, шаъни улуғлангаётганлиги айтиляпти. Айниска, халқ билан мулоқот давлат сиёсати дарражасига кўтарилилганлиги, жамиятда очиқлик ва эркинлик муҳити кучайиб бораётганлиги, жамоатчиликнинг ташаббускорлиги ошаётганлиги, фуқаролар нафақат ўз шахсий муаммоси, балки кўпчилкнинг дарду ташвишларини ҳал қилиш учун давлат идоралари билан ҳамкорликда ишлашга ўрганаётганлиги қайта-қайта таъкидланяпти.

Халқимиз қандай ислоҳотларни, қандай ўзгаришларни, қандай янги лойиҳаларни амалга ошираётган бўлмасин, уларнинг барча-бар-

часининг таг замери – ягона ва улуг бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, мана шу меҳнаткаш, захматкаш, олижаноб халқимизнинг турмуш тарзини янада фаровон қилишга қаратилган. Аммо ҳар қандай ислоҳот, аввало, инсон ва унинг манфаати учун килинар экан, энг муҳими кишиларнинг саломатлиги биринчи ўринга кўтарилади. Шу боис сўнгти йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам қатор муаммолар ўз ечимини топмокда. Аввало, соғлом турмуш тарзига жиддий эътибор қаратилиб, болалар саломатлиги борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишлиган тантанали маросимда бу борада: «Соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмокда. Юртимизда кўплаб янги шифохоналар, тиббиёт марказлари, оиласвий ва хусусий клиникалар фаолияти йўлга қўйилмоқда», – дедилар.

Президентимиз таъкидлаганларидек, соғлиқни сақлаш соҳасига салоҳиятли кадрларни тарбиялаш, етук мутахассисларни етишибтириш учун бизнинг таълим муассасамиз – Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг юқори малакали илмий-педагогик жамоаси ҳам ўзининг муносиб хиссасини кўшиб келмокда.

Хусусан, жорий йилда 28 та ўналиш бўйича 134 нафар юқори

малакали магистратурант мутахасисларини ҳамда 29 та йўналиш бўйича клиник ординатура орқали тор ихтисосликларга йўналтирилган 407 нафар малакали мутахасисларни тайёрлаб берди.

Тиббиётнинг бугунги эришган ютуқларини пухта эгаллаган ва замонавий илгор технологиялардан боҳабар мутахассислар тайёрлаш учун таълим даргоҳимиз 20 дан ортиқ етакчи хорижий тиббий ва таълим ташкилотлари, халқаро жамғармалар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида таълим олган ёшлардан соғлиқни сақлаш соҳасида умидимиз катта. Улар эртанги кунимиз. Шунинг учун ёшларга кенг йўл очиб бериш, эҳтиёж ва манфаатларини таъминлаш, қобилият ва истеъодини рӯёбга чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам бериш, уларга масъул вазифаларни ишониб топшириш бундан буён ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида янги ўкув йилида 510 нафар талаба ўқишига қабул қилинди. Уларнинг етук кадр бўлиб етишибшида бутун меҳнат жамоамиз бор салоҳиятини ишга солади. Кутлуг айём барча юртдошларимиз, ўқитувчilar ва талабаларга муборак бўлсин, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги ва баркамол авлод саломатлиги йўлидаги фидо-корона хизматларингизда матонат ва омад ёр бўлсин.



## ХУШ КЕЛИБСИЗ, ТАЛАБА!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизимини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлир тўғрисида»ги фармонларида таъкидлаган эдилар: «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос юкори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда». Юртбошимизнинг фармонларига биноан ҳар янги ўкув йили бизнинг олий ўкув даргоҳимизда ҳам илмга чанқоқ талабалар 1-курсга кириш имтиҳонлари асосида ўқишига қабул қилинади. 4 сентябрь куни ўкув даргоҳимизда «Калит топшириш» маросими бўлиб ўтди. Тадбирни институтимиз ректори, профессор Б.Т. Даминов бошлаб берар эканлар: «Мустақилликимизнинг 28 йиллиги» байрами муносабати билан ҳамда олий ўкув даргоҳимизга иштиёқ ва юксак иқтидор билан келган 1 – курсга қабул қилиниб, талаба номига сазовор бўлган ўкувчи ёшларимизни, шу институтнинг барча ўқитувчиларини, ўз билими билан келажагимизни барпо қиласигин барча талабаларни табриклайман. Барчангизга муваффакиятлар тилайман», –дека ўз тилакларини изхор қилдилар.

Бу маросим давомида талабаларни қутлаш учун ўкув ишлари бўйича проректор Қ.Н.Хайтов, институтимиз профессорлари Э.А.Турсунов ҳамда М.Ф.Файзиевалар сўзга чиқиб, 1 – курс талабаларига рамзий оқ халат ва қалпокча (рейтинг дафтарчаси, билимлар калити)ларни расман тақдим қилишди.

Янги ўкув йили учун янги таъмир ва жихозлар билан безатилган ўкув биносида мисли оқ кабутардек илмга ташна талабаларнинг кўзидағи қувонч, юрагидаги шижаот ва иштиёқ билан туришларига ҳавасинг келади. Аввало ота-она, юрт олдидаги, ўз устозлари олдидаги ишончни оқлаб, талаба номига эришишдек номга сазовор бўлган ёшларнинг келажаги учун жон куйдирадиган устозларимиз йил давомида талабаларга билим бериб боришиади.

Мустақилликимиз берган неьмат-тинчлик кошонасида бугунги кунда давлатимиз ҳар бир соҳада илгарилаб бормоқда. Шу жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам кўплаб ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Юрт тинчлиги, аввало, соғлом авлодни тарбиялашдан бошланади. Зеро, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлган авлодгина Ватан ривожига пойдевор бўла олади.

Айни шиддат билан оқиб бораётган замоннинг тезкор билим манбааларидан фойдаланиб, Жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган даражада таълим олишларингизга муваффакиятлар тилаб «Хуш келибсиз, талаба» дейман.

Асомиддин  
ХУДАЙБЕРДИЕВ

## ВАТАН

*Мустақиллик учун,  
юрт учун ҳар он,  
Ҳарбийлар мустаҳкам,  
ишончли қалқон.  
Мұхтарам Президент –  
Олий қўмондон,  
Доимо энг кучли  
бўлсин ҳарбийлар,  
Энг илгор сафларга  
тўлсин ҳарбийлар.*

*Посбонлар бор жойда  
бордир ҳимоя,  
Дилларга хатарлар  
сололмас соя,  
Ватанни қўриқлаш –  
муқаддас гоя,  
Ҳарбийлари етук Ватан  
тинч бўлар,  
Оилалар аро баҳт,  
севинч бўлар.*

*Ҳар дилда фармони  
олийларинг бор,  
Нурли эртанг, шонли  
мозийларинг бор,  
Қасамёдга содик  
ҳарбийларинг бор,  
Сокин бўл, равнақ топ,  
яшнайвер, Ватан,  
Шарофатли ишлар  
бошлийвер, Ватан!*

*Жаҳону замонни қойил  
қилганча  
Қучиб бормоқдамиз  
зафарлар қанча,  
Озод бўл, обод бўл  
дунё турганча –  
Соҳибқирон руҳи –  
қувватинг, Ватан,  
Куролли кучларинг –  
қудратинг, Ватан!*

Даврон Акбаров

**2020 йилга ТошПТИнинг «Олий ўқув юртидан кейинги таълими»га  
Ўзбекистон Республикаси давлат бюджет маблағлари ҳисобига таянч докторантураси ва  
докторантураси учун ажратилган қабул режаси (квота)  
хамда ихтисосликлар бўйича тақсимоти**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 19 июлдаги 606 – сон қарори ижросини, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг 2009 йил 30 августдаги 11-10 – сон «Вазирликлар, давлат

қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва худудий бўлинмаларида хужжатлар билан ишлашни ташкил этиш хамда ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш тартиби»га, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2019 йил 24 июлдаги 668 – сонли буйруғи

хамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 25 июлдаги 8-7-4/997 – сонли кўрсатма – хати асосида 2020 йилга ТошПТИнинг «Олий ўқув юртидан кейинги таълими»га Ўзбекистон Республикаси давлат бюджет маблағлари ҳисобига таянч докторантураси ва докторантураси қабул режаси

Шифр	Ихтисослик номи	Таянч докторантураси ўринлар сони	Докторантураси ўринлар сони
14.00.01	акушерлик ва гинекология	1	
14.00.05	ички касалликлар	1	
14.00.09	педиатрия	2	
14.00.11	дерматология ва венерология	1	
14.00.13	неврология	1	1
14.00.28	нейрохирургия	1	
14.00.33	жамият саломатлиги. соғлиқни сақлашда менежмент	2	
<b>ЖАМИ:</b>	<b>7 та</b>	<b>9 та</b>	<b>1 та</b>

Хужжатлар талабгорлар томонидан ТошПТИнинг илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий – педагогларни тайёрлаш бўлимида қабул комиссиясига топширилади ва шу билан бирга талабгорларнинг шахсий хужжатлари онлайн phd. mininnovation.uz - сайти орқали юборилади **15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.**

Таянч докторантураси қўйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:

- магистр даражасига ёхуд клиник ординатураси тугатган (тиббиёт фанлари учун), олий маълумот тўғрисидаги дипломга (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлганлар;

фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун

диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камидা битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар.

Таянч докторантураси талабгорлар ОТМга қўйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

ариза;  
қисқача биографик маълумтонома;

мехнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);

олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки кли-

ник ординатураси тугатганлик (тиббиёт фанлари учун), олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;

– нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек уларнинг нусхалари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли хужжат нусхасини тақдим этадилар.

Докторантураси қўйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:

- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;

– фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий дара-

жаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг мухим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камидага **З та** (учта) илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камидаги тезисга эга бўлиш.

Докторантурада ўқишга талабгорлар ОТМга қуидаги хужожатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумонома;

– меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишиётган талабгорлар учун);

– олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;

– тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;

– нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек уларнинг нусхалари.

Бизнинг манзил: ТошПТИ лицейи, катталар клиникасида 3-кават, 8 – хона.

Кўшимча маълумот учун телефонлар:

- уяли телефон: +99893 3827441
- иш телефони: +998712602898

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

### ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

*Профессор-ўқитувчилар таркиби бўйича қуидаги кафедралар лавозимларига  
ТАНЛОВ эълон қиласи:*

**ДОЦЕНТЛАР:** 2-Госпитал педиатрия ноанъанавий тиббиёт асослари;

1-Госпитал педиатрия ноанъанавий тиббиёт асослари; Суд тиббиёти, тиббиёт хуқуқи; Болалар юқумли касалликлари; Умумий хирургия; Нейрохирургия ва болалар нейрохирургияси; Топографик анатомия ва оператив хирургия асослари; Шошилинч педиатрия, ҳалокат тиббиёти; Тери-таносил, болалар тери таносил касалликлари, ОИТС.

**КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:** Болалар юқумли касалликлари; Фармакология; Топографик анатомия ва оператив хирургия асослари.

**АССИСТЕНТЛАР:** Фармакология; Неонатология; Нейрохирургия ва болалар нейрохирургияси;

*Танлов муддати –эълон чиққан қундан 1-ой  
Манзилгоҳ- Богишшамол қўчаси 223, Тош ПТИ.*

**Автобуслар: 115,19**

**ТошПТИ бекати. 2019.09.09.**

<p>САХОДАЛИК – ТУМАНБОЗИ ЕВРОПА ВАРДА – ЙОГАНГИ СТРИМ <b>PEDIATR</b></p> <p>ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МЕХНАТ ЖАМОАСИ НАШРИ ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСИТИУТА</p>	<p><b>Таҳрир кенгаси:</b> Д.А. Асадов, А.В. Алимов, Х.Ф. Хайдаров, М. Ахмедова, А.И. Искандаров, К. Ҳайтов, Т.С. Аъзамхўжаев, А. Валиев, А.А. Кудайберганов, Б.М. Таджиев, С.С. Гулямов, Г. Усманова</p> <p><b>Нашр учун масъул:</b> Г. Ашурова</p>	<p><b>Бош мухаррир:</b> Б.Т. ДАМИНОВ</p> <p><b>Таҳрир ҳайъати:</b> (иши гурӯҳ)</p> <p>Э.О. Турсунов, К.Ш. Турдиева (Бош мухаррир ўринбосари), А.М. Маннанов, Д.А. Ахмедова, С.А. Бегмонов, А. Носиров, З. Каримова, А. Худайбердиев</p>	<p>Газета Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармасида 29.12.2006 йил 02-0010-сон билан рўйхатта олинганд.</p> <p>Манзил: 700140, Тошкент-140, Богишшамол қўчаси, 223</p> <p>Cho'lporon nomidagi NMU техник ва дастурлй воситалари базасидаги чоп этилди. Манзил: Тошкент, 100129, Навоий қўчаси, 30. -буюртма. Адади 100 нусха.</p> <p>Газета институт хисобидан нашр этилади ва белуп таркилади.</p>
---	---	---	---